

Мозийга назар: Испаниядаги мусулмонлар



11:11 / 07.01.2020 3766

Абдурраҳмон Испанияга етиб келганида, Шимолий Африкадан келган араблар Иберия ярим оролига кириб келган ва Ислом тарихида энг шарафли битиклардан бирини ёза бошлаган.

Чарлз Мартел Францияга йўл олганидан сўнг, Испаниядаги мусулмонлар бутун эътиборларини жанубдаги (Андалусия) ал-Андалус деб номланган жойга қарата бошладилар ва у ерда Испанияликлардан ҳам гўзалроқ ва буюк цивилизация қуришга киришишди. Мусулмонлар насроний ва яҳудийлар билан оқиллик ва адолатли муносабатда бўлишди. Натижада кўпчилик Исломни қабул қилди.

Шунингдек, мусулмонлар савдо-сотиқ ва қишлоқ хўжалигини такомиллаштирдилар, санъатни қўллаб-қувватладилар, илм-фанга буюк ҳиссаларини қўшдилар ва Кордобани европанинг энг ривожланган

шаҳрига айлантирдилар.

X асрга келиб, Кордова шаҳрининг аҳолиси 500 000 кишига етди. Шу даврда Париж шаҳрида аҳоли сони 38 минг кишини ташкил қилар эди. Шаҳарда 700 та масжид, 60 мингга яқин сарой ва 70 та кутубхона бор эди. Уларнинг ҳар бирида 500 мингдан зиёд қўлёзмалар мавжуд бўлиб, у ерда тадқиқотчилар ва китоб муҳаррирларидан иборат ходимлар ишлайди. Кордобада 900 га яқин жамоат ҳаммомлари, Европанинг илк кўча чироқлари ва шаҳар ташқарисидан беш мил нарида, халифалик саройи Мадинат ал-Заҳро жойлашган эди. Мадинат ал-Заҳрони қуриш 40-йил давомида қуриб битказилди ва бу Кордова даромадининг учдан бир қисмига тўғри келди. Ушбу мажмуа XII асрда вайрон қилинади. Шу асрнинг дастлабки йиллариданоқ уни тиклаш ишлари олиб борилди. Ҳозирга қадар таъмирлаш ишлари давом этиб келмоқда. 2018 йил 1 июль куни Мадинат ал-Заҳро ЮНЕСКОнинг бутун жаҳон мероси рўйхатига киритилади.

Image not found or type unknown



Суратда: 800-йиллик устундан иборат Кордованинг буюк масжиди тасвирланган.

XI асрга келиб, насронийларнинг қаршилик ҳаракати секин аста авж ола бошлади ва Алфонсо VI даврида насроний кучлари Толедони шаҳрини қайтариб олдилар. Бу ҳаракат «Қайта тиклаш» деб номланиб, шу даврнинг бошланиши эди. Бу эса нозик, нафис ва мафтункор даврни бузган ҳисобланиб, тарихга муҳрланди. Оқибатда испаниядаги мусулмонлар шимолий Африкадаги Берберлар сулоласи бўлган Алморавидлардан ёрдам сўрашга мажбур бўлди. Алморавидлар келиб, христиан қўзғолонини бостирдилар. Бироқ улар мусулмонларни ўз назоратларига олдилар. 1147 йилда Алморавидлар Бербер қабилаларининг яна бир сулоласи Алмогадлар


томонидан мағлубиятга учрадилар.

Гарчи бундай ички можаро одатий ҳол бўлмаган бўлса ҳам насроний қиролликлари ҳам бир-бири билан тинимсиз кураш олиб боришган қудратли армиялар тузишган ва кейинчалик мусулмон кучини бир-биридан ажратиб қўйдишди ва шу тариқа Араб ҳукмронлигига чек қўйишди.

Араблар осонликча таслим бўлмадилар ал-Андалус ҳам уларнинг ерлари эди. Аммо, аста-секин, аввал Испаниянинг шимолидан, сўнгра марказий Испаниядан чекинишга тўғри келди. XIII асрга келиб, уларнинг бир вақтлар кенг кўламли ҳудудлари Андалусия тоғларида жойлашган бир неча тарқоқ шоҳликларга бўлиниб кетди. Бу ерда қарийб икки юз йил давомида улар нафақат жон сақлаб қолишди, балки ерларни гуллаб-яшнатдилар.

Араблар ҳукмронлигининг сўнгги икки асрида ўзлари учун энг машҳур бўлган ғоят гўзал қироллик Гранада шаҳрини юксалтиришидир.

Алҳамбра 1238 йилда Муҳаммад ибн ал-Аҳмар томонидан бошланган. У Арагон қироли Фердинанд Гранадани қамал қилгандан сўнг, ўз халқи хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Фердинанднинг чодирига келиб, тинчлик эвазига қиролнинг вассали бўлишни таклиф қилган.




Суратда: Patio de los Arroyosдаги ҳовуз Алҳамбранинг мислсиз улуғворлигини акс эттиради.

Фердинанд 1248 йилда Севилья қамалида муслмонларга қарши насронийларга ёрдам беришга қўшин ажратиб олиб, шартномани бажаришга чақирганда. ваъдасига биноан, Ибн ал-Аҳмар итоат қилади ва Севильяни тарк этади ва Севилья Фердинанд қўлига ўтади. Аммо Ибн ал-Аҳмар Гранадага қайтаётганида оломон уни ғолиб деб кутиб олади ва Алҳамбра биноларининг деворларига «Куч ва қудрат фақат Аллоҳдадир» деб ўйиб ёзиб қўйилади.

Кейинчалик Ибн Ал-Аҳмарнинг ворислари томонидан ушбу қалъа вазифасини бажарган ажойиб гўзал бинолар, сокин ҳовлилар, ҳовузлар ва

яширин боғларга айлантирди. Ибн Ал-Аҳмарнинг ўлимидан сўнг, Гранаданинг ўзи тикланди ва бир араб ташриф буюрганидек, «зумрад билан тўлдирилган кумуш ваза каби бўлди».

Image not found or type unknown



Суратда: Севиля шаҳридаги Гвадалвивир дарёси устида Муриш минораси кўтарилган.

Мусулмонлар Испания цивилизациясига улкан ҳисса қўшдилар. Улар ҳукмронлик қилган даврда Андалусия ўзининг ривожланишининг энг юқори босқичига етди. Мусулмонлар у ерлик аҳолига ўзларининг гўзал одобларини маданиятларини ўргатдилар ва шу сабабли у ердаги кўпчилик аҳоли Ислом динини қабул қилди.

Бошида кўчиб келган мусулмонлар Испанияда қолишди. Чунки улар боришлари учун бошқа жой йўқ эди. Инквизицияга қадар Испаниядаги Христианлар мусулмонларга ишлашга, армияда хизмат қилишга, ўз ерларига эгалик қилишга ва ҳаттоки ўз динларида қолишга рухсат беришди. Буларнинг барчаси Испаниянинг гуллаб-яшнаши ва иқтисодиётини гуркираб ривожланишига хизмат қилишида муҳим омил эди. Аммо кейин инквизиция даврида мусулмонларнинг барча ҳуқуқлари бекор қилинди, уларнинг ҳаётлари қийинлашди ва кўпроқ у ердан бу ерга кўчиб юришларига тўғри келди. Ниҳоят XVII асрнинг бошларида тирик қолган мусулмонларнинг кўплари мажбуран юртдан чиқариб юборилди.

Манба: Islamicity.org

Тайёрлади Муҳаммад Содиқ Акрамов